



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova Aholi daromadlari va ularni ko'paytirish yo'llari.	11
Shao Junling Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov Characteristics of human power	17
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta'lim xizmatlarini targ'ib qilishning nazariy asoslari	21
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ	
Отабек Джурабаевич Джурабаев Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
Лариса Алишеровна Мусабаева B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva Tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
Маъхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
Мурод Мақсудович Паязов Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
Зарина Муродовна Муҳаммедова Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
Ислом Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmasini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
Дониёр Журакулович Абдуразаков Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

4. Сафаров Б.Ш. “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик услубий асосларини такомиллаштириш” докторлик диссертацияси, 18-бет
5. Жанзаков Б.К. Факторы влияющие на развитие въездного туризма Узбекистана. Сервис илмий амалий журнал. (2019). 97-101 бетлар.

А.Хамдамов	A.Hamdammov
Методические основы оценки использования цифровых технологий для предоставления качественных услуг в сфере туризма	Methodological basis of assessing the use of digital technologies for the provision of high-quality services in the field of tourism
Аннотация: В данной статье освещается важность и эффективное использование цифровых технологий в предоставлении качественных услуг в сфере туризма. Кроме того, обоснована методологическая основа оценки эффективности услуг, связанных с цифровыми технологиями.	Abstract: This article highlights the importance and effective use of digital technologies in providing high-quality service in the tourism sector. In addition, the methodological basis for evaluating the effectiveness of services related to digital technologies is justified.
Ключевые слова: туризм, цифровые технологии, высокое качество, цифровая экономика, туристический продукт, сервис, виртуальный, онлайн.	Keywords: tourism, digital technology, high quality, digital economy, tourist product, service, virtual, online.

Зебинисо Бахтиёрвна Навруз-зода – Бухоро давлат университети доценти, и.ф.ф.д (PhD)

КРІ ВОСИТАСИДА МУҚАДДАС ЖОЙЛАРНИНГ ЗИЁРАТ КЛАСТЕРБОПЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Мақолада “муқаддас жойларнинг” зиёрат кластербоплик даражасини “КРІ” воситасида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Бу мезонлар асосида муқаддас жойларнинг реал зиёрат кластербоплигини муаллифлик усулида тўртта: “муқаддас маскан”; “диққатга сазовор муқаддас жой”; “жозибдор зиёрат худуди” ва “кластербоп зиёратгоҳ” сифат даражалари аниқланган.

Калит сўзлар: КРІ, зиёрат туризми, муқаддас жойлар, кластер, зиёрат кластербоплик, диққатга сазовор муқаддас жой, жозибдор зиёрат худуди, кластербоп зиёратгоҳ.

Кириш. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган [1]. Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажаришда мамлакатимизда зиёрат туризмни жадал ривожлантириш ва унинг объекти сифатида муқаддас жойларнинг зиёрат қилишга яроқчилиги ёхуд зиёратбоплигини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқилиши тақозо этади.

Муқаддас қадамжойлар қанча зиёратбоп бўлса, зиёратчилар сони шунча ошиб боради. Агар-да, зиёрат туризмни кластер ёндашувида ташкиллаштириш механизмларини ишга солинса, муқаддас жойлар томон зиёратчилар оқими барқарорлаштириш имкони вужудга келади. Шунинг учун муқаддас жойларнинг зиёрат қилишга яроқчилигини ифодаладиган зиёратгоҳларнинг кластербоплигини аниқлаш асосида зиёрат туризмни кластер усулида ривожлантиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Гарвард университетининг бизнес мактаби профессори Майкл Портер биринчи бўлиб “кластер” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиб, унга “бу маълум бир соҳада ўзаро боғлиқ компаниялар ва муассасаларнинг географик концентрацияси” [2] деб, ўз таърифини берган. Рус олими О.В. Лыскова кластерни тор маънода – “минтақавий туристик-рекреацион тизим сифатида” [3], О.Н.Петрова эса туристик кластерни кенг маънода - “худуднинг манфаатларини, мустақиллигини, рақобатбардошлигини ва барқарор ривожланишини кучайтиришга йўнал-

тирилган минтақавий бошқарув механизми сифатида” [4] таърифлайди.


Кластернинг органик тузилиши нуқтаи назаридан турли фикрлар мавжуд. Рус олими М.А.Морозов туристик кластери таркиби тузилмасига туристик ресурслар, туристик инфраструктурани, туризм соҳаси кадрларини, туристларларни қабул қиладиган туристик оператроларини, туристик таълим муассасаларини, ҳудуд тўғрисида маълумот манбаларини, давлат ва маҳаллий қўллаб-қувватлаш воситаларини киритишни тавсия этади [5, 130 с]. Зиёрат кластерларини ташкил этишда олимлар кластернинг ядросини шакллантирувчи асос сифатида туристик дестинацияларни тавсия этадилар [6, 57 б]. Бундай кластерларни шакллантиришда урта: 1) туристик дестинациясини аниқлаш; 2) туристик кластерини аниқлаш; 3) кластернинг дизайнини лойиҳалашпириш қадамлари ажратилади [7, 141 б].

Тадқиқот методологияси. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини аниқлашда илмий тадқиқотларнинг қиёсий усулидан фойдаланилди. “Key Performance Indicators” (KPI) инглизча иборасини биз ўз тадқиқот мақсадимиздан келиб чиқиб, ўзбек тилида “Муҳим кластербоплик индикаторлари” таржимасини қўллашни афзал кўрдик. “Мантикий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда муқаддас жойларни баҳолашнинг асосий ва қуйи мезонларини тавсифловчи муҳим кластербоплик индикаторлари (KPI) ишлаб чиқилди. Гуруҳлаш усулини қўллаб, муқаддас жойларни “диққатга сазовор муқаддас жой”, “жозибадор зиёрат ҳудуди” ва “кластербоп зиёратгоҳ” тоифалари тавсия этилган.

Таҳлил ва натижалар. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини баҳолаш бешта босқичларда амалга оширилади (1-расм). Дастлабки босқичда муқаддас жойларнинг эталон зиёрат кластербоплик даражаси шакллантирилади. Бу учун муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик сифат даражасини 10 та қуйидаги асосий мезонлар негизида баҳолаш тавсия этилади:

1. Муқаддас жойнинг ислом дунёсида машҳурлиги.
2. Муқаддас жойнинг ободонлиги.
3. Муқаддас жойнинг нуфузлилиги.
4. Муқаддас жойнинг саждабоплиги.
5. Муқаддаслик мартабаси.
6. Илмий салоҳияти.
7. Обидаларнинг мажмуалилиги.
8. Муқаддас жойнинг тарихийлилиги.
9. Муқаддас жойнинг кароматлилиги.
10. Муқаддас жойнинг фойдалилик ва бошқарувчанлиги.

Муқаддас жойларнинг эталон зиёрат кластербоплик даражаси юқоридаги асосий мезонларини тавсифлайдиган энг яхши ҳолати, жами 100 баллга тенглаштирилган ҳолда миқдорий ифодаланади.



1-расм. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини баҳолаш босқичлари¹

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

Иккинчи босқичда муқаддас жойларни баҳолашнинг муҳим кластербоплик индикаторлари (КРІ) ишлаб чиқилади. Бу мақсадни кўзлаб биз “Эталон зиёрат кластербоплиги” даражасидан келиб чиқадиган муқаддас жойларни сифат жиҳатдан баҳолаш имконини яратадиган 10 та куйидаги муҳим кластербоплик индикаторлари ишлаб чиқиб, уларни рақамлар билан ифодалашни мақсадга мувофиқ ҳисобладик:

-КРІ (1) *муқаддас жойлар ҳақидаги маълумотларнинг кенг қамровлилиги* (улар ҳақида каталог, буклет, фотоалбом ва бошқа маълумотларининг мавжудлиги ҳамда гидлар томонидан зиёратчиларга мазкур қадамжо ҳақида неча дақиқа ҳикоя қилиш имкони мавжудлиги);

-КРІ (2) *муқаддас жойларнинг инфраструктурасининг ривожланганлиги* (муқаддас жойларнинг таъмирланганлиги, қайта тикланганлиги ва атрофларини ободонлаштириш ҳолати ҳамда уларгача бориш-келиш йўлларнинг раванлиги);

-КРІ (3) *муқаддас жойларнинг нуфузлилиги* (муқаддас қадамжоларнинг омма ўртасидаги нуфузи, уларнинг оммабоплиги);

-КРІ (4) *муқаддас жойларнинг саждабоплилиги* (зиёратгоҳларда диний расм-русумларни амалга ошириш шарт-шароитларнинг мавжудлиги, жумладан, мулосининг бўлиши, таҳорат қилиш мумкинлиги, қабр олдида ўтириб дуо ўқиш ҳамда намоз ўқиш учун масжидининг мавжудлиги);

-КРІ (5) *муқаддас жойларнинг муқаддаслик мартабаси* (қадамжонинг муқаддас шахсининг руҳоний-муқаддаслик мартабаси куйидаги даражалардан қайсисига қарор топганлиги аниқланади: Пайғамбар, Сайид, Муршид, Авлиё, Валий, Ҳазрат, Шайх, Имом, Пир, Ота, Ориф, Хўжа, Сўфий, Амир, Охун, Эшон, Олим, Мулло);

-КРІ (6) *муқаддас жойларнинг илмий салоҳияти* (муқаддас жойни асосчисининг илмий салоҳияти, чоп этилган ва мавжуд бўлган асарлари ҳамда илмий мерослари юзасидан уларга баҳо берилади);

-КРІ (7) *муқаддас жойлардаги обидаларнинг тури* (масжид; мақбара; ансамбль; мемориал комплекс; хонақо; мажмуа ва б.к.);

-КРІ (8) *муқаддас жойларнинг тарихийлиги* (қадамжолардаги обидаларнинг қурилганлик вақти(даври) бўйича эскисига - юқори ва янгиларига - нисбатан пастроқ балл билан баҳоланади);

-КРІ (9) *муқаддас жойларнинг кароматлиги* (қадамжоларни зиёратчилар учун тарбиявий аҳамияти ёки қадамжонинг дунёвий аҳамиятдорлиги ёхуд унинг каромат кўрсатиш қобилияти, комил инсон тарбиясига таъсири бўйича бир неча гуруҳларга бўлиш тавсия этилади);

-КРІ (10) *муқаддас жойларнинг фойдалилик ҳолати ва уларни бошқариш имкониятлари* (зиёратгоҳларни фойдалилик ҳолати бўйича фойда келтирмаган; зарарсизлик; фойда келтираётган ва юқори фойда келтирадиган даражаларга бўлиш ва уларни бошқариш имкониятлари бўйича 3 та тоифага ажратиш: мажуд эмас; мавжуд, лекин тизимсиз; мавжуд, тизимли).

Бу индикаторлар муқаддас жойларнинг айна вақтда эришилган “Реал зиёрат кластербоплиги” даражасини аниқлаш учун ўлчов бирлиги сифатида хизмат қилади.

Учунчи босқичда муқаддас жойларни аниқлаш учун КРІ нинг сифат ҳолатини баҳолаш шкаласини белгиланади. Муқаддас жойларни реал зиёрат кластербоплик даражаларини аниқлаш мақсадида биз 10 та ишлаб чиқилган мезонларимизнинг ҳар бирини ўлчов бирлиги сифатидаги *жузъий кўрсаткичлари* бўйича куйидаги баллар юзасидан баҳолаш шкаласини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

- ✚ 0-1 балл (зиёрат кластербоплигининг жуда паст даражаси);
- ✚ 2-4 балл (зиёрат кластербоплигининг паст даражаси);
- ✚ 5-6 балл (зиёрат кластербоплигининг ўртача даражаси);
- ✚ 7-8 балл (зиёрат кластербоплигининг меъёр даражаси);
- ✚ 9-10 балл (зиёрат кластербоплигининг юқори даражаси).

Тўртинчи босқичда юқорида тавсифланган умумий мезонлари ва жузъий кўрсаткич-

лари юзасидан муқаддас жойнинг имом хатиби ёки ушбу масканни яхши биладиган эксперт томонидан, реал ҳолатини инобатга олган ҳолда, муқаддас жойга баллар ҳисобига эксперт баҳоси қўйиб чиқилади ва эксперт баҳосининг умумий йиғидисини ҳисобланади.

Бешинчи босқичда эксперт баҳосининг умумий йиғидисининг эталон баҳоси билан қиёслаш эвазига муқаддас жойларнинг эришилган реал зиёрат кластербоплик даражаси танланади. Зиёрат кластерларини шакллантириш мақсадида муқаддас жойларни тавсифловчи зиёрат кластербоплик даражалари қуйидаги 4 та сифат даражадан бирига мос келиши аниқланади:

- ❖ 0 - 40 балл - “Муқаддас маскан”.
- ❖ 41 - 70 балл - “Диққатга сазовор муқаддас жой”.
- ❖ 71 - 85 балл - “Жозибатор зиёрат ҳудуди”.
- ❖ 86 - 100 балл - “Кластербоп зиёратгоҳ”.

Биз Ўзбекистондаги 40 та нуфузли муқаддас жойларнинг реал зиёрат кластербоплик даражасини эксперт усулида аниқлаш саъй-ҳаракатларини қилдик (1-жадвал). Эксперт баҳолаш натижаси шуни кўрсатдики, 40 та ўрганилган муқаддас жойлардан 8 таси ёки 20% зиёрат кластербоплиги паст бўлган “Муқаддас маскан” сифат даражасида мос келади. “Диққатга сазовор муқаддас жой” сифат даражадаги тоифаларнинг улуши - 45% ни ташкил этади. Ўрганилган 7 та муқаддас жойлари “Жозибатор зиёрат ҳудуди” даражасида қарор топади ва шунча энг юқори сифат - “Кластербоп зиёратгоҳ” даражасига мос келиши аниқланди. “Кластербоп зиёратгоҳ” даражасига мос келадиган зиёратгоҳлар қаторига Имом-ал-Бухорий мажмуаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси, Имом ат Термизий зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний зиёратгоҳи ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси” киради ва улар негизда зиёрат кластерларини шакллантириш мумкин.

1-жадвал.

Ўзбекистондаги 40 та муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш натижалари¹

Т/р	Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик индикатори ҳолати	Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплиги сифат даражаси	Зиёрат кластербоплигининг сифат даражасига хос муқаддас жойлар сони	Уларнинг умумий баҳоланган муқаддас жойлардаги улуши, %
1	0 - 40 балл	“Муқаддас маскан”	8	20,0
2	41 - 70 балл	“Диққатга сазовор муқаддас жой”	18	45,0
3	71 - 85 балл	“Жозибатор зиёрат ҳудуди”	7	17,5
4	86 - 100 балл	“Кластербоп зиёратгоҳ”	7	17,5
	Жами:		40	100

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги умумий хулосага келдик:

1. Зиёрат туризмни кластер усулида ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплиги (зиёрат қилишга яроқчилиги) даражасини аниқлаш лозим.

2. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолашда беш босқичли “КРГ” технологиясидан фойдаланиш механизми тавсия этилади.

3. Муқаддас жойларда фаолият кўрсатадиган имом-хатиблар учун зиёрат кластербоплик даражасини баҳолашда бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш.

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот натижалари юзасидан қуйидаги тақлифлар берилди:

1. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш жараёнида “Муҳим кластербоплик индикаторлари” (КРІ)ни муаллиф томонидан тавсия этилган ва рақамлар билан ифодаланган 10 та кўрсаткичлар асосида баҳолаш тақлиф этилади.

2. Ўзбекистондаги 40 та муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш натижалари бўйича “Кластербоп зиёратгоҳ” даражасига мос келадиган Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари негизида Бухоро вилоятида “Етти Пир зиёрати кластери”ни ташкил этиш тақлиф қилинади.

3. “Етти Пир зиёрати кластери” шакллантиришнинг “ақли” туристик дестинацион модели тавсия этиладики, у иккита нисбатан мустақил қисмлари: 1) туристик ҳудудда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш оқибатида “ақли” зиёрат ҳудудини шакллантириш ва 2) зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи фирмалар ичидаги қўшилган қиймат занжирларини яратишдан таркиб топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.Lex.uz

2. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.P: 77-90.

3. Лысикова О.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития. Елец. Елецкий гос. ун-т им.И.А.Бунина.2009. С.47-52.

4. Петрова О.Н. Кластер как инструмент обеспечения конкурентоспособности туристского комплекса региона. Региональная экономика: теория и практика. 2010. №13(148). С.45-51.

5. Экономика туризма : учебник / М. А. Морозов, Н. С. Морозова, Г. А. Карпова, Л. В. Хорева. — М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. — 320 с.

6. Рубцова Н.В. Концептуальная модель туристского кластера: история вопроса и современный подход. Известия ДВФУ. Экономика и управление №3, 2014. С.49-70.

7. Margarita Voiko, Myroslava Bosovska, Nadiia Vedmid, Svitlana Melnychenko and Alla Okhrimenko (2017). Development of the tourism cluster. Problems and Perspectives in Management, 15(4), 134-149. doi:10.21511/ppm.15(4).2017.12.

3.Наврӯз-зода	ZNavruz-zoda
<p>Оценка степени кластерообразования святых мест с использованием средств КРІ</p> <p>Аннотация: В статье разработаны критерии измерения степени кластерообразования паломнических дестинаций на основе КРІ. Исходя из этих критериев, на основе авторской методики определены четыре качественные степени святых мест: «святилище»; «привлекательная святыня»; «привлекательная паломническая дестинация» и «кластерообразующая паломническая дестинация».</p> <p>Ключевые слова: КРІ, паломнический туризм, святые места, кластер, паломническое кластерообразование, священные достопримечательности, привлекательная паломническая дестинация, кластерообразующая паломническая дестинация.</p>	<p>Assessment of the degree of cluster formation of holy places using KPI tools</p> <p>Abstract: The article develops a criteria for measuring the degree of cluster formation of pilgrimage destination. Based on these criteria, on the basis of the author’s methodology, four qualitative degrees of holy places are identified: “a sanctuary”, “holy sights”; “attractive holy shrine” and “cluster-forming pilgrimage destination”.</p> <p>Keywords: KPI, pilgrimage tourism, holy place, cluster, cluster formation of pilgrimage, holy sights, attractive holy shrine, cluster-forming pilgrimage destination.</p>

Сирожиддин Шерали ўғли Халилов – “Alfraganus University” нодавлат олий таълим ташкилоти Халқаро туризм менежменти кафедраси мудири, PhD

МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ТАРМОҒИДА РАҚОБАТ МУҲИТИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Аннотация: мақолада миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва уни ташкил этувчи таркибий компонентлар ўзаро алоқадорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Рақобат муҳити компонентларининг миллий туризм тармоғига таъсири ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий туризм тармоғи, рақобат, рақобат муҳити, рақобат компонентлари, тартибга солиш воситалари.

Кириш. Миллий туризм тармоғи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг ажралмал бўлаги саналади. Миллий туризм тармоғининг давлат томонидан изчил қўллаб-қувватланиши янги иш ўринларининг яратилишига, давлат бюджети даромадлар базаси ортишига, халқаро миқёсда мамлакат ижобий имижининг мустаҳкамланишига ва маданиятлараро алоқаларнинг чуқурлашишига олиб келади. Туризм XX аср феномени сифатида тан олинади ҳамда янги юз йилликда ушбу тармоқ тараққиётини жадаллаштириш давлатлар иқтисодий сиёсатининг етакчи таянч нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, глобал миқёсда туризм соҳасининг хизматлар халқаро савдосидаги улуши 30% ни ташкил қилади. Туризм соҳаси жаҳон капиталининг 7% гача миқдорини яратади. Биргина 2019 йил якунларига қўра, туризм мақсадларидаги хорижий сафарлар сони 1,5 миллиардни ташкил қилган. 2020 йилга қадар, жаҳон туризм бозори ҳажми қарийб 9 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Пандемия келтириб чиқарган инқироздан аввал дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритган. 2021 йилдан туризм тармоғида ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди. Ривожланиш суръатлари қайта тикланмоқда¹.

Туризм соҳасига жами иш билан банд аҳолининг 6% и тўғри келади. Жаҳон миқёсида аҳоли истеъмол харажатларининг 11% и туризм соҳасида сарфланади. Туризм соҳасида инвестициялар ўсиши йиллик 35% ни ташкил қилади. Пандемик локдаунлар шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш, миллий туризм тармоғи рақобат устунликларини ривожлантириш талаби янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Миллий туризм тармоғи ривожланишининг методологик асослари хорижлик ва маҳаллий олимлар илмий ишларида муҳим тадқиқот предмети сифатида ўрганилган. Жумладан, туризм индустриясининг ривожланишига бағишланган илмий манбалардан энг муҳимларидан бири В.И.Азар тадқиқот ишларини санаб ўтиш мумкин.

Сўнги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ҳам диққатга молик. Ж.Н.Абиев миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган. А.А.Эшгаев томонидан туризм индустрияси ва уни бошқаришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш методологияси тадқиқ этилган. Бироқ бугунгача олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларда миллий туризм тармоғида рақобат муҳити муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот иши эса масаланинг айни жиҳатларини қамраб олган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди. Хусусан, ўндан ортиқ туристик объектларда респондентлар билан чуқурлаштирилган интервьюлар ташкил этилди. Натижада Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг жинси, ёши, маълумоти, даромадлари каби демографик кўрсаткичлар юзасидан

¹ www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти маълумотлари асосида жамланган.